БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 34 (19.110). ● 1985 йил 9 февраль, шанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

БАЙРОҚДОРЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети иттифоқдош, автоном республикалар, ўлкалар ва областлар, шаҳарлар, автоном округлар, шаҳар ва қишлоқ районларининг, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, колхоз ва совхозлар коллективларининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1984 йилги Давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Қабул қилинган қарорда қайд этиладики, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнатчилари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришдилар. 1984 йилда ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш таъминланди, сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва унинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган план топшириқлари ошириб бажарилди. Янги йирик корхоналар ва социал-маданий объектлар қуриб битказилди. Қишлоқ хўжалиги, бутун агросаноат комплекси меҳнаткашлари СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида катта иш қилдилар, гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва харид қилишни кўпайтиришга эришдилар. Жуда кўпчилик меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини плондан ташқари ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддаладилар.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида халқ фаровонлигини ошириш тадбирлари ўтказилди. Соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият янада ривож топди.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети шуни уқтириб ўтдиларки, кўпгина корхоналар, айрим тармоқлар, республикалар, ўлкалар ва областлар мусобақани ишлаб чиқаришни муттасил ўстириши гарантиялайдиган натижаларга эришишга қарата олмадилар. Қолоқликни барча позицилар бўйича ҳам бартараф этишга муваффақ бўлинмади. Бу гап маҳсулотнинг белгиланган турларини ишлаб чиқариш планини ҳамда уни етказиб бериш шартномаларини бажаришга, айниқса, тааллуқлидир. Баъзи жойларда ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилиши ҳам таъминланмади. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, материалларни, ёқилғи ва энергияни тежаш тоширилиши, нинг бажарилмаслиги ҳамон катта камчилик бўлиб турибди. Айрим республикалар, ўлкалар ва областларда СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришда, социал-маданий ва маиший объектларни қуришда қолоқликка йўл қўйилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат планини муваффақиятли бажарганликлари учун ғолиб деб топдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР

РСФСР
Украина ССР
Белоруссия ССР
Грузия ССР
Озарбайжон ССР
Литва ССР
Латвия ССР
Қирғизистон ССР
Арманистон ССР
Эстония ССР

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКАЛАР ВА ОБЛАСТЛАР

РСФСРдан: Бошқирдистон АССР, Дағистон АССР, Кабарда-Балқария АССР, Қалмоқ АССР, Коми АССР, Мари АССР, Татаристон АССР, Тува АССР, Якутия АССР, Олтой ўлкаси, Краснодар ўлкаси, Ставрополь ўлкаси, Белгород области, Владимир области, Вологда области, Курск области, Ленинград шаҳри, Ленинград области, Магадан области, Москва шаҳри, Новосибирск области, Свердловск области, Томск области, Тула области;

Украина ССРдан: Винница области, Житомир области, Закарпатье области, Иваново-Франко области, Киев шаҳри, Киев области, Қрим области, Львов области, Черкасси области;

Белоруссия ССРдан: Брест области, Гродно области;

Ўзбекистон ССРдан: Наманган области;

Қозоғистон ССРдан: Актюбинск области, Шарқий Қозоғистон области, Гурьев области, Манғишлоқ области;

Грузия ССРдан: Абхазия АССР;

Озарбайжон ССРдан: Нахичеван АССР;

Қирғизистон ССРдан: Ўш области;

Тожикистон ССРдан: Ленинобод области;

Туркманистон ССРдан: Чоржўй области.

ШАҲАРЛАР

РСФСРдан: Астрахань, Саратов областидаги Балаково, Благовешченск (область), Брянск, Владивосток, Волгоград, Воронеж, Горький, Грозний, Иваново, Иркутск, Калинин, Москва областидаги Калининград, Калуга, Ленинград областидаги Кингисепп, Киров (область), Кострома, Чита областидаги Краснокаменск, Куйбишев (область), Курган, Липецк, Мурманск областидаги Мончегорск, Новгород, Краснодар ўлкасидаги Новороссийск, Ямал-Ненецлар автоном округидаги Новий Уренгой, Красноярск ўлкасидаги Норильск, Омск, Шимолий Осетия АССРдаги Оржоникидзе, Орёл, Оренбург, Пенза, Свердловск областидаги Первоуральск, Пермь, Петрозаводск, Псков, Рязань, Саранск, Калининград областидаги Светлий, Архангельск областидаги Северодвинск, Смоленск, Тамбов, Ульяновск, Устинов, Хабаровск, Чебоксари, Челябинск, Ростов областидаги Шахти, Южно-Сахалинск, Кемерово областидаги Юргу, Ярославль;

Украина ССРдан: Запорожье областидаги Бердянск, Ворошиловград, Донецк областидаги Горловка, Днепропетровск, Донецк, Ровно областидаги Дубно, Хмельницкий областидаги Каменец-Подольск, Полтава областидаги Кременчуг, Луцк, Николаев (область), Одесса, Кировоград областидаги Светловодск, Қрим областидаги Севастополь, Тернополь, Харьков;

Белоруссия ССРдан: Витебск, Минск, Могилёв;

Ўзбекистон ССРдан: Тошкент областидаги Ангрен, Андижон, Фарғона областидаги Қўқон, Қорақалпоғистон АССРдаги Тахиатош;

Қозоғистон ССРдан: Олмаота, Павлодар, Қустанай областидаги Рудний, Целиноград;

Грузия ССРдан: Батуми, Поти;

Озарбайжон ССРдан: Мингечаур;

Литва ССРдан: Вильнюс, Шяуляй;

Молдавия ССРдан: Кишинёв;

Латвия ССРдан: Рига;

Қирғизистон ССРдан: Фрунзе, Ўш областидаги Тошкўмир;

Арманистон ССРдан: Ереван, Кировокан;

Туркманистон ССРдан: Ашхобод;

Эстония ССРдан: Таллин.

Коряк, Эвенклар автоном округлари, 10 та шаҳар ва 228 та қишлоқ райони.

Қуйидагилар ғолиб деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:

саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги 880 та бирлашма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотларининг коллективлари ғолиб деб топилиб, шу жумладан, 518 коллектив СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади;

750 та колхоз, совхоз, агросаноат бирлашмаси, хўжаликлараро ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларнинг коллективлари ғолиб деб топилиб, шу жумладан, 250 та коллектив СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига амал қилиб, 1984 йилги социалистик мусобақа якунларини чуқур ва атрофлича анализ қилишни, мусобақа ғолибларининг тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштиришни топширди. Мавжуд камчиликларни ўз вақтида тугатишга, маҳсулотнинг энг муҳим турларини, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларнинг аниқ бажарилишига эришилсин. Бутун кучғайрат фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжаликни оқилона юритиш, моддий, молиявий ресурслар ва бошқа ресурсларни бутун чоралар билан тежаб, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишга қаратилсин. Мамлакатдаги энг яхши коллективларнинг тежаб қолинган материаллар, хом ашё ва ёқилғи билан йилига икки кун ишлаб бериш ташаббуси ҳамма жойда ёйилсин. Ҳар бир корхонада, область, ўлка, республикада плондан ташқари тежамкорлик фонди вужудга келтирилсин.

Орқада қолаётган ва ўртача даражада ишлаётган меҳнат коллективларига эътибор кучайтирилсин, мусобақада янада юқорироқ натижаларга эришишда уларга амалий ёрдам берилсин. Хўжалик юритишнинг илғор тажрибасидан самаралироқ фойдаланилсин, ишчилар, колхозчилар ва мутахассисларнинг ташаббусини маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш чоралари кўрилсин.

Марказий, республика, тармоқ, маҳаллий газета ва журналлар, радио ва телевидение редакциялари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг боришини мунтазам равишда ва тўлиқроқ ёритиб турсинлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватласинлар, меҳнатнинг ҳамда моддий рағбатлантириш чоралари кўрилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1984 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолибларини астойдил табриклайдилар ҳамда ишчиларни, колхозчиларни, инженер-техник ходимларни, халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашларини 1985 йилги топшириқлар ва ўн биринчи беш йиллик муваффақиятли бажарилишни таъминлашга, Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга, Ленин партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олишга чақирадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган меҳнат коллективларининг, шаҳар ва қишлоқ районларининг рўйхати тармоқ, республика, ўлка ва область газеталарида эълон қилинади.

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига



Самарқанд химия заводининг навбатдаги учинчи комплекси белгиланган муддатдан икки ой олдин фойдаланишга топширилди. Корхона юксак унумдорлик манбаи—аммофос ўғитининг дастлабки тонналарини ола бошлади.

Комплексни тиклаш ва ишга туширишда Ставрополь, Ашхобод, Олмаота, Челябинск ва республикамиз шаҳарларидан келган юзлаб инженер-техник ходимлар, қурувчи-монтажчилар фаол иштирок этишди. Улар қурилиш жараёнларида илғор иш методларини кенг қўллаб, монолит бетон ўрнига йиғма конструкциялар, пўлат қувурлар ўрнига сифат жиҳатдан қолишмайдиган полиэтилен қувурлардан фойдаланишди.

Суратларда: (юқоридан) комплекс марказий бошқарув пультининг навбатчи слесари Сергей Золототрудов, оператор Чеслава Колос ва аппаратчи Азим Халилов ўртоқлар; комплекснинг умумий кўриниши.

Р. ҒАФУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЮКСАК ИШОНЧ

Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда.

Самарқанд область **332-Оқтош** сайлов округи сайловчиларининг республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Раъно Ҳабибовна Абдуллаева** билан учрашуви бўлди.

Сўзга чиққан кишилар партия билан халқнинг бузилмас бирлиги тўғрисида гапирдилар. Бу йилги сайлов кампанияси КПСС XXVII съездига, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга умумхалқ тайёргарлиги вазиятида ўтаётганлигини таъкидладилар. Улар сайловчилар сайлов кунини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётганликларини, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришларини айтдилар.

Р. Ҳ. Абдуллаева билдирилган ишонч учун сайловчиларга самимий миннатдорчилик изҳор этди ва шу ишончни оқлайман, наказларни бажариш учун ҳамма ишни қиламан, деб ваъда берди.

Наманган область **274-Жумашуй** сайлов округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзоди, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Виктор Константинович Михайлов** билан учрашдилар.

Йиғилиш аҳли округ саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари беш йиллигининг якунловчи йилини зарбдорларча меҳнат йилига айлантиришга, мамлакат коммунистларининг бўлажак анжумани шарафига меҳнат вахтасида янгидан янги муваффақиятларга эришишга интилаётганликларини таъкидлади. Меҳнат коллективлари, дейишди нотиқлар, олинган мажбуриятларни амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, маҳсулот сифатини ошириш вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиравердилар.

В. К. Михайлов билдирилган шараф учун сайловчиларга миннатдорчилик изҳор этди, берилган наказларни бажариш учун бутун кучимни сарфлайман, деб ваъда берди. **(ЎзТАГ).**

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

● Иштихон районидаги «Мурадобод» колхози бўрдоқибоқарлари дастлабки меҳнат зафарини қўлга киритдилар.

Улар 100 тонна гўшт тайёрлаб, ярим йиллик планни ошириб бажардилар. Райондаги Ильич номли колхоз чорвадорлари ҳам биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этдилар.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

● Жомбой районидаги 131-автокорхонанинг шоферларидан Н. Галиуллин билан И. Комаргоснинг меҳнат календарида 1986 йил бошланди.

Улар ўтган йилнинг ноябрь ойидаёқ ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини ошириб адо этишган эди.

Н. Галиуллин автомашинада ўтган вақт ичида 288,6 минг тонна-километр иш бажариб, 18,8 минг тонна халқ хўжалик юкларини манзилга етказиб берди. И. Комаргос эса 17,7 минг тонна юк ташиб, коллектив ҳурматини қозонди. Улар шу кунларда ҳам илғорликни қўлдан беришмаяпти.

Р. УРОЛОВ.

ЭКИШГА ПУХТА ТАЙЕРГАРЛИК

Сирдарё районидаги колхоз ва совхозларнинг ички хўжалик йўллари бўлажак экиш мавсумигача тўла-тўкис ремонтдан чиқарилди. Райондаги йўл қурилиш бошқармасининг ходимлари графикдан анча ўзиб меҳнат қилдилар. Улар машина-ускуналардан унумли фойдаланиб, ишчи кучи ва материалларни объектларга аниқ тақсимлаб, ўзлари хизмат кўрсатаётган магистралларнинг пишиқ-пухталигини таъминламоқдалар.

Бу йил бошқармага Катта Ўзбекистон трактининг энг серқатнов участкаларидан бирини кенгайтиришдан иборат масъулиятли иш ишониб топширилди. Шунингдек, кўприксозлар билан биргаликда Бахт посёлкасида кўприк йўли қуришлари керак. Йўл қурувчилар мана шу вазифаларни муддатидан илгари ҳал этиб, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини салмоқли меҳнат туҳфаси билан кутиб олишни кўзламоқдалар.

ТЕЖАМКОРЛИК МАРШРУТЛАРИ

Қўқондаги 55-автобазанинг илғор ҳайдовчилари И. Попов, Я. Қобилов, И. Бурхонов ёнилғини тежаш соҳасида дастлабки шахсий ҳисоб очдилар. Улар ўз ўртоқларини мана шу ҳаракатга қўшилишга даъват этдилар. Шундай қилинганда корхона йилнинг сўнгги кунларида иқтисод қилинган бензин ҳисобига ишлай олади.

Автобазанинг ҳар бир ҳайдовчиси эндиликда имкони бўлган резервларни қидириб топдилар. Айрим шоферлар ўз машиналарини прицеп билан ишлатиш мумкинлигини маъмуриятга маълум қилдилар, бошқалар эса янада оқилона маршрутларни таклиф этдилар.

ТЕЖАЛГАН ЁҚИЛҒИ ҲИСОБИГА

«Бухоро-1» станцияси локомотив депосининг ёш машинисти Замир Қиличев ўзи КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинган йиғилишдан тўғри рейса жўнаб кетди. Бу рейс одатдан ташқари бўлиб, Замир оғир юк ташувчи поездни йил бошидан бери тежалган ёқилғи ҳисобига бошқарди.

Замир тепловознинг энг нозик деталларигача ўрганиб чиқди, уни ўзи ремонт қилди. Йўлнинг ўзига хос хусусиятларини билиш ва тўғри мўлжал олиш кун сайин Қиличевнинг бутун составда кўпроқ юк ташиш ва қатнов тезлигини ошириш ҳамда пировард натижада ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмларни тежаб қолишига ёрдам бермоқда.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТАГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги 8 февраль куни «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» газетаси чиқа бошлаган куннинг 50 йиллигини нишонлади. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова редакцияга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. Газета республикада физкультура ва спортни пропаганда қилишда актив иш олиб борганлиги учун ҳамда юбилей муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди. Йиғилиш қатнашчилари спорт журналистларига меҳнатда катта муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги ва республикада асаларичиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун республика хўжалик ҳисобидаги асаларичилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Петрос Мовсесович **Оганесянга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, республиканинг минерал хом ашё базасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, жамоат ҳаётида актив иштирок этганлиги учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан **«Қизилқумгеология»** ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўртоқ Аҳрор Акрамович **Акрамовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КАСАБА СОЮЗЛАР ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

8 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон касаба союзлари область Советлари ва комитетлари раислари ҳамда секретарларининг икки кунлик семинар-кенгаши очилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетровнинг доклади КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида интизомни, уюшқоқликни ва тартибни мустаҳкамлашда касаба союзларнинг ролини оширишга бағишланди. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова сўзга чиқиб, республика касаба союз ташкилотлари фаолиятининг услуб ва методларини яхшилаш тўғрисида гапирди. ВЦСПС ташкилий-инструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари Н. А. Зиборов касаба союз Советлари ва комитетларининг ташкилотчилик фаолиятини кучайтириш тадбирларига тўхталиб ўтди.

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг талаблари асосида ишлаб чиқариш вазифаларини, иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишда, сиёсий-тарбиявий ишни такомиллаштиришда касаба союз Советлари ва комитетларининг иштироки тўғрисидаги, социалистик мусобақага раҳбарликни кучайтириш юзасидан касаба союз ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги докладлар ва ахборотлар семинар-кенгаш программасидан ўрин олган. Маъмуриятнинг меҳнат қонунларига риоя этишини назорат қилиш юзасидан касаба союз комитетларининг иши, ўртоқлик судлари ва жамоат юридик консультацияларининг фаолияти масалалари ҳам муҳокама қилинади.

(ЎзТАГ).

Ёзувчи юбилейи

ЯЛТА (Қрим области), 8 февраль. (ТАСС мухбири). Бугун Ялтада А. П. Чехов туғилган куннинг 125 йиллигига бағишланган илмий конференция тугади. Конференцияни СССР Маданият министрлиги ташкил этган эди.

Таниқли адабиётшунослар, санъатшунослар, мамлакатдаги Чехов музейларининг илмий ходимлари рус адабиёти классиги ижодиёти ва ижтимоий фаолиятининг турли жиҳатларини кўриб чиқдилар. Унинг маънавий мероси жаҳон маданиятини ривожлантиришга тобора кўпроқ таъсир ўтказаётганлиги таъкидланди.

ОРНИТОЛОГЛАР ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистонда Бутуниттифоқ орнитологлар (қушшунослар) жамиятининг республика бўлими очилди. У нодир ва йўқолиб бораётган қуш турларини сақлаш ва кўпайтиришга, қўриқхоналар ишини такомиллаштиришга кўмак бермоғи лозим. Ўнлаб профессионал орнитологлар ва ҳаваскор қушчилар жамиятнинг аъзолари бўлдилар.

(ЎзТАГ).

БАЙРОҚДОРЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРдан

Қуйидаги шаҳар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
1. Тахиатош шаҳри

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
2. «Партия XXII съезди» колхози, Амударё райони.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
1. Андижон шаҳри
2. Бўз райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:
3. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 24-қурилиш трести, Андижон шаҳри
4. М. И. Калинин номли колхоз, Олтинкўл райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
5. «Ленинчи» совхози, Бўз райони.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
1. «Пахтакор» совхози, Пахтакор райони

НАВОИЙ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги район КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
1. Конимех райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади:
2. Қизилқум ишлаб чиқариш геология бирлашмаси, Мурунтов посёлкаси

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
3. «Партия XXII съезди» колхози, Хатирчи райони

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
1. Наманган области
2. Косонсой райони
3. Наманган райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
4. В. И. Ленин номли совхоз-завод, Тўрақўрғон райони
5. «Ўзбекистон» колхози, Тўрақўрғон райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
6. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги «Узстройрембит» трести Наманган область «Стройрембит» бошқармаси
7. «Қўқимбой» совхози, Косонсой райони

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади:
1. Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги «Узремстройтрест»ига қарашли Самарқанд экспериментал-механика заводи.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
2. Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Маркс номли колхоз, Большевик райони.
3. Пастдарғом район қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатувчи ишлаб чиқариш бирлашмаси.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги район КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
1. Ленин йўли райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади:
2. Меҳнат Қизил Байроқ орденли ВЛКСМ 30 йиллиги номли совхоз, Қумқўрғон райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
3. «Қизил юлдуз» колхози, Ангор райони.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги район КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
1. Боёвут райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади:
2. «Фарғона» совхоз-техникуми, Оқолтин райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
3. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» колхози, Сирдарё райони.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
1. Ангрен шаҳри
2. Бекобод райони
3. Тошкент райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:
4. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси
5. «Ҳурмат Белгиси» орденли «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳри
6. Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси
7. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Алмаликсвинецстрой» қурилиш трести
8. Главташкентстройга қарашли 11-«Висотстрой» қурилиш трести
9. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги Тошкент область юк ташиш автомобиль ишлаб чиқариш трести.
10. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг «Узтюменьдорстрой» трести, Ханти—Манси автоном округининг Октябрь райони
11. И. Охунбобоев номли колхоз, Ўрта Чирчиқ райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
12. «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси, Нариманов шаҳри
13. Чет эл туризми Тошкент бўлимининг «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкент шаҳри
14. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти, Тошкент шаҳри
15. Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Тошкент ошхона мебели ва бошқа мебеллар заводи
16. К. Маркс номли колхоз, Тошкент райони
17. И. Охунбобоев номли совхоз, Калинин райони
18. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
1. Қўқон шаҳри
2. Бувайда райони
3. Ўзбекистон райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:
4. «Ҳурмат Белгиси» орденли Қўқон нон комбинати
5. Улуғ Октябрь 60 йиллиги номли Қўқон мотор-ремонт заводи
6. Қува район матлубот жамиятлари союзи
7. «Большевик» колхози, Бағдод райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
8. Фарғона «Облколхозстрой» трести
9. «Москва» колхози, Киров райони
10. А. Навоий номли совхоз, Риштон райони
11. Қува район қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатувчи ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги районлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:
1. Гурлан райони
2. Хонқа райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади:
3. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Н. Нариманов номли колхоз, Боғот райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:
4. М. В. Фрунзе номли колхоз, Хива райони.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ:

— Қарши районидаги 16-қишлоқ ҳунар-техника билим юртида тикувчи-мотористлар тайёрлаш учун етарли шарт-шароит яратиб берилмаганлиги ҳақида хатда ёзилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди.

1983 йилнинг 1 сентябридан район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати буюртмасига кўра, билим юртининг 70-группасига тикувчи-моторист ихтисослиги бўйича ўқувчилар қабул қилина бошланган. Ҳақиқатан ҳам 1985 йилнинг 8 январигача билим юртида бирорта ҳам тикув машинаси бўлмаган. Ҳозирги вақтда билим юртида учта «Подольск» маркали ва битта «Москва» маркали тикув машинаси бор.

Эндиликда 70-группа ўқувчилари алоҳида ажратилган хонада ишлаб чиқариш таълимини ўтказмоқдалар.

Билим юртининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида тикувчилик фабрикаси филиали билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу тадбирларга кўра, билим юрти шу йилнинг биринчи кварталида яна олтита тикув машинаси олиши керак.

Таълим-тарбия жараёнини бўш йўлга қўйганлиги учун Қарши районидаги 16-билим юрти директори Б. Шодмоновга ва директорнинг ўринбосари И. Орзиқуловга ҳайфсан эълон қилинди.

Текшириш материаллари бошқарманинг кенгайтирилган Советида муҳокама қилинади.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ДЕҲЛИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ЕҚЛАНМОҚДА

● УЛАН-БАТОР. МХР Ташқи ишлар министрлиги эълон қилган баёнотда Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларининг Деҳлида бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган Қўшма Декларация қўллаб-қувватланади.

Баёнотда айтиладики, Монголия Халқ Республикасининг халқи ва ҳукумати бутун дунёдаги ядровий давлатларни, халқлар, парламентлар ва ҳукуматларни ядровий фалокат хавфини бартараф этиш учун куч-ғайрат кўрсатишга даъват этувчи Деҳли кенгаши Декларациясини мамнуният билан кутиб олди. МХР дунёдаги воқеаларнинг ҳозирги ғоят хатарли ривожидан жаҳон халқлари тобора ташвишланаётганлигини ифода этувчи бу даъватни тўла қўллаб-қувватлайди.

Монголия Халқ Республикаси ҳукумати Қўшма Декларацияни жаҳон халқлари ядровий уруш хавфининг олдини олишдан иборат ҳоҳиш-иродаси ва муддаоларининг ифодаси, деб баҳолайди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯСИ

● ГАВАНА. Ахборот агентликларининг хабарига кўра, Сальвадор ватанпарварлари янги муваффақиятли операция ўтказдилар. Улар мамлакат пойтахти Сан-Сальвадор шаҳрида еттита радиостанцияни эгаллаб олдилар ва Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтининг мурожаатини радио орқали эшиттирдилар. Мурожаатда сўнгги беш йил ичида қўғолончи кучлар ҳукмрон қўғирчоқ режим армиясининг 20.000 солдат ва офицерини сафдан чиқарганликлари айтиб ўтилади. Ҳозирги вақтда партизанлар мамлакат территориясининг учдан бир қисмини назорат қилиб турибдилар.

Қўғолончилар «Венсеремос» радиостанциясининг хабар қилишича, Сальвадор қарбийлари Морасан департаменти шимолидаги аҳоли зич кўп жойлашган районларни миномётлардан ва ҳаҳшийларча ўққа тутганлар. Бунинг натижасида тинч аҳолидан кўп киши ўлган. «Венсеремос» радиостанцияси қўғирчоқ режим мамлакатда туҳмат-бўҳтон кампаниясини ҳам авж олдирганлигини хабар қилади. Бу кампаниянинг мақсади деҳқонларни қўркитиш ва уларни Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти жангчиларини қўллаб-қувватлашдан бош тортишга мажбур этишдан иборат.

Радиостанциянинг хабар қилишича, шу кунларда Дуарте режими Вашингтондан қарбий вертолётлар ва С—47 самолётлар олган. Самолётлар йирик калибрли пулемётлар ва кечаси кўришга мўлжалланган приборлар билан жиҳозланган бўлиб, улардан тинч аҳолига қарши жазо операцияларини ўтказиш вақтида фойдаланилади.

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

● ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда Финляндия парламентининг 1985 йилги сессияси очилди. Депутатлар давлат тузумини янгилашга, мамлакатнинг иқтисодий проблемалари ва бошқа проблемаларга таллуқли бўлган бир қанча муҳим қонун лойиҳаларини кўриб чиқишлари керак.

Финляндия президенти М. Койвисто депутатлар ҳузурида нутқ сўзлаб, ҳозирги вақтда халқаро вазият кейинги йиллардагига нисбатан бирмунча дуруст, деб айтди. У Совет—Финляндия муносабатларининг ривожига тўхталиб, бундай деди: «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет—Финляндия Шартномаси, шунингдек, тинчликда ўтган 40 йил ичидаги ижобий тажриба бизга Совет Иттифоқи билан ишончли муносабатлар қуришимизнинг асоси бўлиб қолди». Бу асос эса халқаро муносабатлар, умуман, ғоят кескин бўлган кейинги йилларда ҳам мустаҳкамланиб борди, деб таъкидлади у.

ЗИЁУЛ ҲАҚ МУЗОКАРАЛАРДАН БОШ ТОРТМОҚДА

● НЬЮ-ЙОРК. Покистоннинг бош қарбий маъмури генерал Зиёул Ҳақ оппозициядаги сиёсий партиялар билан ҳар қандай музокаралар ўтказишни рад этди. У бу партияларни шу ойнинг охирига мўлжалланган парламент сайловида иштирок этишдан четлатиртирди. АП агентлигининг хабар қилишича, Зиёул Ҳақ Лохур шаҳрида бўлиб ўтган матбуот конференциясида гапириб, ҳукуматнинг аввал белгиланган муддатда: 25 февралда миллий ассамблея ва 28 февралда қонун чиқарувчи вилоят мажлисига нопартиявий асосда сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади.

Агентлик энг катта оппозиционер партия ўз ичига олган демократияни тиклаш ҳаракати сайловни бойқот қилишга қарор берганлигини эслатиб ўтади. Кузатувчиларнинг фикрича, бундай сайлов найрангбозлиги фақат бир мақсадни—қарбий диктатурага демократик тус беришни кўзда тутади.

АСЕАН МИНИСТРЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

● КУАЛА—ЛУМПУР. Бу ерда иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасига (АСЕАН) аъзо бўлган мамлакатлар министрларининг навбатдаги конференцияси очилди. Конференцияда Бруней, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин вакиллари иштирок этмоқдалар.

(ТАСС, 8 февраль).

ИСТИҚБОЛСИЗ ПОЗИЦИЯ

ВАШИНГТОН, 7 февраль. (ТАСС). Президент Р. Рейган конгрессининг иккала палатаси қўшма мажлисида «мамлакатнинг аҳволи тўғрисида» одатдагидек йиллик доклад қилди.

Президент ташқи сиёсат масалаларига қисқача тўхталгач, «уруш чиқиш хавфини камайтира оладиган ва ядро аслаҳахоналарини қисқартирадиган одилона ва текшириш бўладиган битимларга келиш йўлларини қидиришга Қўшма Штатларнинг содиқлиги»ни эълон қилди. Бироқ у ўзи бошлиқ маъмурият бундай битимларга келиш йўлларини истиқболсиз «зўравонлик позицияси»да туриб қидирмоқчи эканлигига шубҳа қолдирмади, шу тариқа Оқ уй қурол-яроғлар устидан контроллик хусусида ўзаро мақбул битимларга эришишни эмас, балки АҚШнинг тахминий стратегик мувозанатни бузиб, СССРдан қарбий устунликка эришишга беҳуда уриниб, АҚШнинг ядровий потенциалини бутун чоралар билан кўпайтиришни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб ҳисоблаётганини очиқ-ойдин айтиб кўя қолди.

Жумладан, президент маъмуриятнинг стратегик ҳужум қуролларини ва бошқа оммавий қирғин воситаларини, аввало янги қитъалараро МХ баллистик ракеталари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кўзда тутувчи қарбий программаларини тўла ҳажмда тасдиқлашни конгресс аъзоларидан талаб қилди. Илгари хабар қилинганидек, маъмуриятим келгуси молия йилида ҳарбий харажатларга 322,2 миллиард доллардан иборат ҳаддан ташқари катта маблағ сарфлашни режалаштириб қўйган.

Президент космосни ҳарбийлаштириш режаларини зўр бериб мақтаб, гўё ўз маъмурияти зудлик билан амалга ошираётган «самовий урушлар» программаси «осмонда ва ерда урушнинг олдини олишга» ва ҳатто «бутун инсониятни қутқариб қолишга» қаратилган деб сафсата сотди. Президент мамлакатда ва чет элларда космосни ҳарбийлаштиришнинг инсоният бошига янги ҳалокат хавфини соладиган режаларга қарши кўтарилган норозилик тўлқинини пасайтиришга уриниб кўриш учун энг жўн мантиққа ҳам зид бўлган мана шундай даъволарни ишга солди. Маъмурият бошлиғининг ўзи бу режалар дунёда «лозим даражада тушуниб» кутиб олинмаяпти, деб тан олди.

Рейган Қўшма Штатларни «эркин дунёнинг бошлиғи» деб эълон қилиб, Американинг дунёга «раҳбарлиги»ни даъво қилиб чиқди. Шу сўзлардан маълум бўлишича, унинг маъмурияти қўпол куч ишлатиб ҳамда Вашингтоннинг дидига ёқмайдиган мамлакатларга ва режимларга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари ёрдамида дунёда Америка тартибларини ўрнатишни кўзламоқда. Чунончи, у конгрессдан МРБ хизматидаги «Афғонистондан Никарагуагача» бўлган аксилинқилобчи тўдаларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш учун янги маблағ ажратишни талаб қилди ва бу тўдаларни мунофиқона тарзда «озодлик учун курашчилар» деб атади. У Никарагуадаги сандиночилар революцияси шаънига қўпол хуруж гаплар айтиб, кузатувчиларнинг Рейган маъмурияти Марказий Америкадаги шу мамлакатга қарши бевосита қуролли агрессия бошлаш учун замин тайёрламоқда, деган фикрларини янада кучайтирди.

Рейган ўз докладида ички сиёсат проблемаларига асосий эътиборни қаратди. У 30-йиллардаги «буюк депрессия» замонларидан кейинги энг чуқур ва узоқ давом этган таназзулдан сўнг Америка экономикаси бирмунча жонланганлигини Оқ уй олиб борган иқтисодий сиёсатнинг натижаси, деб кўз-кўз қилиб, шу сиёсатни зўр бериб мақтади. Ҳаммага маълум бўлган фактларга хилоф равишда, президент менинг маъмуриятим 1980 йилда сайловчиларга берган ваъдаларини бажарди, деб даъво қилди. Ҳолбуки, «ишлай оладиган ва ишлашни ҳоҳлайдиган ҳар бир америкаликка иш бериш», федерал бюджетни 1984 йилгача мувозанатлаштириб олиш ва Американи «равнақ топтириш» сингари энг муҳим ваъдалар қоғозда қолиб кетди. Шу йилнинг январида ишсизлик яна кўпайганлиги қайд этилди (расмий маълумотларнинг ўзида айтилишича, ишсизлар 8,5 миллион кишидан ошди), ҳозирги молия йилида бюджетнинг камомати 210 миллиард доллардан ошади, деб тахмин қилинмоқда. Рейганнинг президентлик йилларида расмий равишда белгилаб қўйилган «камбағаллик чизиғи»дан паст даражада яшовчи америкаликлар 35 миллион кишига, бошпанаси бўлмай, кўча-кўйларда тунаб юрган америкаликлар эса 5 миллион кишига етди. Мана шундай фактлар қаршисида Рейганнинг «Америка қайта тикланди» деб, «Американинг иккинчи умидлар ва имкониятлар революцияси» деб айтган тумтароқли даъволари, унинг гўё америкаликлар учун муҳайё қилиб қўйилган «гўзал келажак» ҳақидаги ваъдалари сохтакорлик бўлиб янгради.

Оқ уй бошлиғининг сохта умидворлигига ва милитаристик муддаоларига АҚШ жамоатчилиги асло қўшилаётгани йўқ. Жамоатчилик қуролланиш пойгасини тўхтатиш, уруш хавфини камайтириш, аянчли социал муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий чоралар кўрилишини талаб қилмоқда. Эн-Би-Си телекомпаниясининг хабар қилишича, шу компания жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказган савол-жавоб натижаларига кўра, кўпчилик америкаликлар ҳарбий мақсадлар учун сарфланаётган маблағни кўпайтирмаслик, федерал бюджетни мувозанатлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш керак, деган фикрни билдирмоқдалар. Конгрессининг ўзида ҳам шу кайфиятлар кенг ёйилган. «Вашингтон пост» газетаси «Рейган МХ ракетаси», «Самовий урушлар» ва никарагуалик контрреволюционерларга ёрдам бериш программалари конгрессда хавф остида қолиши мумкинлиги сабабли шу программаларга алоҳида эътибор берди», деб уқтирганлиги бежиз эмас.

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Э. ХОНЕККЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕРЛИН. (ТАСС). ГДР СССР билан, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар билан қалин иттифоқда бундан буён ҳам тинчлик сиёсатини изчил ва собитқадамлик билан ўтказаверади. Империализм энг агрессив доираларининг тинчлик ишига таҳдид қилаётган сиёсатига қарши, халқаро иқлимни соғломлаштириш учун кураш — ҳозирги замоннинг ғоят муҳим вазифасидир, деди ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бу ерда сўзлаган нутқида.

ГДР, деб таъкидлади у, Женевадаги Совет — Америка учрашувининг натижаларини космик ва ядровий қуролларга таллуқли масалаларнинг бутун комплекси юзасидан конструктив музокаралар олиб бориш асосида аҳдномаларга эришиш йўлида қўйилган ижобий қадам деб баҳолайди. Холис ният билан оқилона ёндашилган тақдирда қурол-яроғларни, айниқса ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш йўлида олға ҳаракат қилиб бориш мумкин. Бу халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади.

ГБСПнинг бўлажак XI съезди, деди нотиқ. ГДР халқи ҳаётидаги буюк воқеа бўлади. Бу съезд мамлакатни янада ривожлантириш вазифаларини узоқ даврга белгилаб беради. Бўлажак съездга тайёргарлик республика барча гражданлари интенсив бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган палладир. Гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг ва немис халқи шавкатли Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 40 йиллигини байрам қилиш ГБСП съездига тайёргарликнинг энг асосий тадбири бўлади. Биз бу байрамни тинчлик учун, ҳамжиҳатлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кишиларнинг муштарак байрами сифатида нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдамиз, деди ГДР раҳбари.

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

БОННН, (ТАСС). ГСДП раиси В. Брандт, Бундестагда ГСДП фракциясининг раиси Г. И. Фогель ва ГСДП правлениеси президиумининг аъзоси Г. Апель имзолаган баёнотда 6 мамлакатнинг Деҳлидаги Декларацияси қўллаб-қувватланиши билдирилади. Улар Женевада бўлажак Совет — Америка музокараларининг, айниқса космик фазога қурол-яроғлар ёйилишини тўхтатиш юзасидан битимга эришишнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

Олти давлатнинг ташаббуси, дейилади ГСДП таниқли арбобларининг баёнотида, тинчликни сақлаб қолиш вазифасини фақат икки буюк давлат зиммасигагина юклаб қўйиш мумкин эмаслигидан далолат беради. Ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар, шунингдек ядро қуролига эга бўлмаган барча мамлакатлар у ёки бу блокка киришкирмасликларидан, ёҳуд қўшилмаган, бой ёки камбағал бўлишларидан қатъи назар, ҳаётни сақлаб қолиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатишдан баб-баравар даражада ғоят манфаатдордирлар.

Ҳужжатда уқтириб ўтилганидек, ҳозир Женевадаги музокаралар арафасида, дунё иккинчи жаҳон уруши тугаганлиги ва БМТ ташкил этилганлиги саналарини нишонлайдиган йилда биз ГФР ҳукумати бошқа мамлакатларнинг кўпдан кўп ҳукуматлари билан биргаликда олти мамлакатнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашдан манфаатдормиз.

ГРЕЦИЯНИНГ ҚАТЪИЙ ЙЎЛИ

АФИНА. (ТАСС). Греция ҳукуматининг расмий вакили Д. Марудас бу ерда қуйидагиларни айтди: Греция НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони генерал Б. Рожерснинг Америка ҳарбий қўмондонлиги назорати остида бўлган ядро қурилмалари — ракета системаларини ҳамда бошқа қурилмаларни янгилаш хусусидаги илтимосини рад этди. Чунки бундай янгилаш қурол-яроғларнинг янги турларини юзага келтириши мумкин. Биз эса ҳозирги вақтда ракеталар жойлаштирилган районлар хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз лозим.

Бундан бирмунча вақт илгари Греция АҚШ маъмуриятининг худди шундай илтимосини рад этган эди. Чет эл матбуотининг хабарларига кўра, ҳозирги вақтда Грецияда Американинг «Онест жон» тактикавий ракеталаридан бирмунчаси, ядровий зарядли артиллерия снарядлари ва миналар жойлаштирилган бўлиб, Пентагон билан НАТО ана шуларни такомиллаштиришни истамоқда.

Марудаснинг ана шу гаплари муносабати билан маҳаллий сиёсий доираларда Афинанинг бундай позицияси ҳукумат Американинг ядровий қуроли мамлакат территориясидан олиб чиқиб кетилишига қатъиян эришиш ниятида эканлигини ифода этади деб уқтирмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларида кўпчилик аҳолининг бутунлай бошпанасиз аҳволда яшаши оддий бир воқеага айланиб қолди. Кўпчилик Америка шаҳарларининг парк ва майдонларида кўчманчилик билан кун кечираётган кишиларни тез-тез кўриш мумкин. Бундайларни ҳатто Оқ уй атрофида ҳам учратса бўлади. Уларнинг кўпчилиги кексайиб қолган кишилар, инвалидлар, касалманд кишилардир. Бечораларнинг кўпчилиги оч-наҳор юришга мажбур бўлмоқдалар, медицина ёрдамига муҳтождирлар.

«Вашингтон пост» газетасининг эътироф этишича, ҳозир АҚШда мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бошпанасиз кишилар 3 миллион кишига етган. Суратда бошпанасиз кишилардан бирининг ночор аҳволи акс эттирилган.

Н. Шальнева фотоси. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1984 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

МЕЛИОРАЦИЯ ШАРОФАТИ

Ғалаба районн меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йилнин барча соҳалар бўйича улкан зафарлар билан якунладилар. Бу қувончли зафарларга, айниқса, пахтакорлар ғоят салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда, тола сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришда барча агротехника тадбирлари қатори ерларни мелиорациялаш, тупроқ ҳолатини яхшилаш учун муттасил олиб борилаётган кураш асосий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлаётир. Район партия комитетининг биринчи секретари Ю. ТОЛИПОВнинг «Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири билан қилган суҳбати шу хусусда борди.

— Юсуф Толипович, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш мақсадида ерларни мелиорациялаш, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли программаси тўғрисида»ги қарори асосида районда қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Дарҳақиқат, мамлакат Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш, совет кишиларининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда партия ва ҳукуматимизнинг навбатдаги улкан тадбирларининг аҳамияти жуда катта. Партиямиз қўйган бу директив вазифаларни районимизнинг барча коммунистлари, мутахассислари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари, барча меҳнаткашлари қизғин маъқуллаб, амалга оширишга киришдилар.

Чиндан ҳам ерни эъзозламай, парваришламай туриб, ундан кўзланган нознеъматларни ундириб бўлмайди. Тупроқ ҳолатини муттасил яхшилаб бориш, ерларни сув билан яхшироқ таъминлаш, заҳни қочириш каби муҳим агротехник, мелиоратив тадбирларнинг роли йилдан-йилга кескин ошиб бормоқда. Бу тадбирлар жуда катта, муҳим вазифалар комплексини ўз ичига олади. Ҳосилдорликни барқарор ошириб бориш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтириш керак. Бизнинг район шароитида экин майдонларини кенгайтириш имконияти йўқ. Шу сабабли экинзорларни эҳтиёт қилиш, улардан самарали фойдаланиш орқалигина ҳосилдорликни ошириш йўлини қидиряпмиз.

Хўжаликларимиз суғориладиган майдонлардаги экинлар учун ҳар йили ўртача 500 миллион кубометр сув сарфлашади. Ана шу бойликдан тежаб-тергаб фойдаланиш асосий вазифаларимиздан биридир. Чунки, сув ресурсини бундан оширишнинг иложи йўқ. Шу сабабли ҳар йили суғориш тармоқларини ремонт қилиш, тартибга солишга энг муҳим иш сифатида қарайрмиз. Шу кеча-кундузда экинлардан бўшаган майдонларни планировка қилиш, тупроқда нам тўплаш, доимий ариқ-зовурларни чуқурлаштириш, тозалаш, равон ҳолга келтиришни бошлаб юборганмиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг янги қарорларида узоқ муддатга белгиланган мелиорация программасини ҳал этишга доир вазифа ва проблемалар аниқ ва очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Биз ҳам ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, ерларимизни мелиорациялаш ва ҳолатини яхшилашнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқмоқдамиз. Иқлим шароитимизга кўра, деярли барча экинзорларимиз заҳкашликдан иборат. Ер ости суви анча юза. Бу ҳол экинларга ишлов бериш даврида ўнғай бўлса-да, бироқ, ҳосилнинг пишиб етилишига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ортиқча намни йўқотишга ҳар йили анча-мунча меҳнат ва маблағ сарфлашга тўғри келяпти. Хўжаликлараро асосий канал ва коллекторларни бетонлаштиряпмиз, улардан фойдаланиш муддатини узайтиришга доир ҳамма ишларни амалга оширяпмиз. Шу йилнинг кўкламигача 46 километрдан ортиқроқ ана шундай йирик сув йўлларини бетонлаштирамиз. Шу билан уларнинг сув ўтказиш қобилияти 1,5 миллион кубометрга етади. Бу ҳозиргига нисбатан анча кўпдир. Шунингдек, район территориясидан оқиб ўтган коллекторларга бетон ётқизиш ишларига кўмаклашамиз.

— Мелиорациялашнинг қишлоқ хўжалигидаги фойдасига доир конкрет мисоллар келтирсангиз.

— Бир қатор хўжаликларимизда, хусусан, «Огонёк» совхоз-заводи, Киров номли, Свердлов номли, Энгельс номли колхозларда бундан уч-тўрт йил олдин ҳосилдорлик анча паст эди. Айниқса, шуниси ёмон эдики, раҳбарлар ҳам, мутахассислар ҳам бунга кўникиб кетишганди, ер шароити шунақа, ортиқча маблағ, меҳнат сарфлаш беҳуда, ўрнини қоплмайди, деб ҳисоблашарди. Бироқ, кейинги йилларда, бу фикрга қарши ўлароқ, дадил амалий ишларга ўтилди. КПСС XXVI съезди қарорларига биноан ўн биринчи беш йилликда районда бironта ҳам ҳосил хўжалик бўлмаслиги учун қатъий кураш бошланди. Бу қадам, даставвал, ерлар ҳолатини яхшилаш, мелиорациялашга янгича ёндашиш билан кўйилди, албатта. Мелиораторлар яратган қулайликлардан деҳқонлар оқилона фойдаланмоқдалар.

Мелиорациялаш, яъни ерни эъзозлаш, парваришлашнинг самаралари беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар қачонгидан ҳам яққолроқ кўзга ташланди. Пахта мўл бўлди ва тез етилди. Пешқадамлар қатори 62 минг тонналик хирмонимиз тайёр деган ғалаба рапортига имзо чекдик. Ҳосилдорлик ҳам ҳар йилгидан анча юқори. Айниқса, бир вақтлар қолоқлик аламини чеккан Киров номли, Энгельс номли, Свердлов номли, «Заря коммунизма» колхозлари пахтакорлари ўтган йили карвонбоши бўлишди. Давлатга пахта сотиш йиллик план ва мажбуриятларини ошириб адо этган бу колхозларда ҳосилдорлик рекорд даражага кўтарилди. Бу хўжаликларнинг ўнлаб бригаталарида ҳар гектар ердан 50—60 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Мазкур хўжаликлар ер-тупроқ шароити илгари жуда ёмон бўлиб, зах сувлари ва шўр аниқ режа асосида йўқотиб борилди. Мелиоратор ва деҳқонлар бу ва бошқа колхоз-совхозларда экин майдонлари миқдори камайишига таъсир этмаган ҳолда ортиқча нам ва шўрни йўқотиш чораларини кўрдилар.

Шундай қилиб, биз мелиорациялаш шарофати билан қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кенг ривожлантириш йўлидан ишонч билан бормоқдамиз. Хусусан, дон, чорвачилик маҳсулотлари, мевани кескин кўпайтиришнинг программасини ишлаб чиқмоқдамиз. Бу борадаги дастлабки қадамларимиз ҳам қувончли эканлигидан хурсандмиз.

— Мелиорациялаш кадрлари масаласида райком ва бошланғич партия ташкилотлари амалга ошираётган тадбирлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарвоқе, бу энг асосий масаладир. Бу масала, ҳамма жойда бўлаётганидек, бизнинг ҳам диққат марказимизда. Ерларни мелиорациялаш, уни малакали кадрлар билан таъминлашга доир масалалар фақат ўтган йилнинг ўзидагина район партия комитетида беш марта қараб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидан ҳам бу иш муҳим ўрин олган. Шу йилнинг охиригача етук мелиораторлар сафига яна анчагина мутахассисни қўшиш, 1990 йилга бориб, улар сафини янада кенгайтириш бизнинг реал вазифаларимиздир.

Ҳозирги пайтда суғориш системасининг ўнлаб тажрибали, эл ҳурматини қозонган ходимлари деҳқонлар билан бир сафда туриб меҳнат қилмоқдалар. Хусусан, уларнинг кўпчилиги яхши ишлари билан танилган, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор, Октябрь Революцияси ордени нишондори В. Куриленко, шунингдек, К. Холматов, М. Аҳмаджонов, Р. Сидзюк каби ўнлаб жонкуяр мураббийлар ўз иш усулларини ёшларга ўргатмоқдалар. Бу тажрибакор мутахассисларнинг изланишлари туфайли кейинги икки йил ичида районда сув танқислигига бутунлай барҳам берилди, сувдан фойдаланиш коэффициенти ошди.

Айни пайтда мелиорация ва суғориш системаси ходимлари ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш, соҳа илғорлари тажрибасини оммалаштириш бўйича ҳам муттасил иш олиб борилаётир. Улар учун доимий семинар ишлаб турибди, илғор тажриба мактабини очишни ҳам мўлжалламоқдамиз. Ҳар йили ўндан ортиқ йигит-қиз олий ва ўрта махсус ирригация ва мелиорация ўқув юртларига юборилаётир, 5—10 киши эса малака ошириш курсларида ўқитиляпти.

Ҳамма иш ва барча соҳада бўлаётганидек, мелиорациялашни янги талаблар даражасига кўтаришда коммунист ва комсомолларимиз авангардлик кўрсатмоқдалар, ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида мелиорациялашнинг аҳамияти жуда катта. Шу йўл билан барча соҳани жадал ва интенсив ривожлантиришга таъсир кўрсатилади. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорлари шу мақсаддаги курашимиз программаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Алишер Навоий туғилган куннинг 544 йиллигига

Одамшиддаб ижодкор

Кўз ўнгимизда улкан бир қўлёзма китоб. Унинг қимматбаҳо қизғиш-қорамтир чармдан ишланган муқоваси ўйиб ишланган нақшларга эга. Бу муқова ва ундаги безаклар, китоб шерозаси, зарҳал варақлар, гўзал унвон, унинг олтин суви ва турли бўёқлар билан безалган суратлари. Булар ҳаммаси бир алоҳида санъат. Аммо, энг муҳими, китобнинг мундарижаси. Ундаги асарлар. Бу асарларнинг мазмуни. Китобни очиб аста варақлаймиз. Биринчи саҳифада хусни хат билан чиройли қилиб «Куллиёти Навоий» деб ёзилган. Демак, бу китоб улуғ устоз, шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг мукаммал асарлар тўплами. Унда шоир яратган тўрт девон (шеърлар тўплами)дан иборат «Хазоинул маоний» («Маънолар хазиналари») асари; беш китобдан иборат «Хамса»си; яна фалсафий-ахлоқий мазмундаги «Маҳбубул қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») ва форс тилларини қиёслаб ўз она тили туркийнинг афзалиятларини ифодаловчи «Муҳокаматуллуғатайн» («Икки тил тўғрисидаги муҳокама»), тарбиявий ўгитлардан иборат «Манзума», «Назмулжавоҳир» каби тўртлик шеърлар тўпламлари; XV аср II ярмидаги Ҳирот, унинг ижтимоий, сиёсий ҳаёти, жуғрофий белгилари, яна, энг муҳими, Навоий таржимаи ҳолига доир «Вақфийя» («Бағишлов») ва бошқа жами 18 асари бор.

Ушбу куллиёт 692 варақдан иборат. Ҳар бир варақнинг ҳар икки тарафига тўрт қатордан арабча ёзувда чиройли насталиқ хати билан шеърлар битилган, насрий сатрлар терилган. Бунинг ҳаммасини бир киши ўз қўли билан ёзган, меҳр, муҳаббат ва юксак санъаткорона маҳорат билан ёзган. Китобнинг охирги варағини ёпар экансиз, шу қўлёзмани кўчириб ёзган моҳир хаттотга унинг сермашаққат ва унумли меҳнати учун ҳурмат ва миннатдорлик ҳисси билан тўлиб тошасиз.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида Навоийнинг 24 асаридан 254 қўлёзма нусха илмий таърифдан ўтказилган, Академиянинг Беруний номли Шарқшунослик институтида эса фақат Навоий «Хамса»сининг ўзидан етмишдан ортиқ қўлёзма мавжуд. Бу институтда Навоийнинг юзлаб қўлёзмалари сақланади. Ҳар иккала институт қўлёзмалар фондидаги Навоий барҳаётлигида кўчирилган қўлёзмалар, айниқса диққатга сазовордир.

Булардан Навоийнинг дастлаб тузган шеърлар тўплами «Бадое ул бидоя» («Бошланиш бадиийликлари») Қўлёзмалар институтида. Шоирнинг иккинчи шеърлар тўплами «Наводир ун ниҳоя» эса, Шарқшунослик институтида.

Навоий яратган асарларнинг аксарияти қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган. Бу нодир қўлёзмаларни авайлаб кўрар эканмиз, бу бебаҳо бойликларни авлоддан авлодга ўтказиб, ҳозирги замонгача етказиб келтирган ота-боболаримизнинг мўътабар руҳи олдида бош эгамиз. Уларнинг ишончини оқлаб, бу бойликларни умумхалқ мулкига айлантирмоқ ва келгуси авлодларга тўлалигича етказмоқ жавобгарлигини янада кучлироқ ҳис этамиз.

Шоир ижодида бош ўрин олувчи асар «Хамса»дир. Беш китобдан иборат «Хамса» эллик бир минг икки юз ўттиз мисра шеърни ўз ичига олади. Бу асардаги ҳар бир бобга берилган муфассал сарлавҳалар йиғиб чиқилса, «Хамса»нинг бутун мазмунини акс эттирувчи бир насрий асар юзага келган бўлади. Улар Навоий насрий услубининг бир намунаси сифатида ҳам қаралиши мумкин. «Хамса»даги барча асарларда Навоий инсон, унинг олий даражаси тўғрисида сўйлайди. Инсоннинг ана шу олий даражага муносиб бўлмоғи учун қандай фазилатлар касб этмоғи лозимлигини бирма-бир кўрсатиб ўтади. «Хамса»нинг биринчи китоби «Ҳайратул аброр»да Навоий барча мавжудотнинг энг шарафлиси инсон эканини таъкидлаб, бундай деб ёзади:

Барчасини гарчи латиф айладинг
Барчадин инсонни шариф айладинг.

Дунёдаги барча гўзалликлар, нимаики, яхши, фойдали нарса бўлса, бариси инсон учун бағишланмоғи керак. Ҳаёт хазинасида мавжуд бўлган ҳамма қимматбаҳо бойликлар инсон хизматида бўлмоғи, унга наф етказмоғи шарт.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин ғароз инсон эди.

Инсон ўзининг ана шундай юксаклигига яраша олий мақсадлар учун яшамоғи керак. Энг олий мақсад эса, кишилар учун яхшилик қилиш, элу-юрт манфаатлари учун тинмай хизмат қилишдир. Кимки, жамият учун, халқ учун энг кўп фойда етказса, ўша одам энг ҳурматга сазовор одам бўлади. Бу фикрни Навоий ўзининг «Манзума» деб номланган тарбиявий тўртликларидан бирида бундай ифодалаган эди:

Эл аро яхшироқ дединг, кимдур
Эшитиб шубҳа айла рафъ андин.
Яхшироқ бил анн улус ораким,
Етса кўпрак улусга наф андин.

Навоий «Хамса»нинг иккинчи китоби «Фарҳод ва Ширин»да севги қаҳрамонларининг ажойиб бадиий образларини яратган. Бу ҳар иккала ажойиб инсон ўзларида барча олижаноб фазилатларни касб этган зотлардир. Навоий Фарҳоднинг кишиларга меҳрибонлиги, халқ манфаатлари учун жонкуяр эканлиги, ҳалоллиги, поклиги, тўғрилиги ва шу фазилатлари билан эл муҳаббатига сазовор бўлганини тасвирлаб ёзади:

Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок.
Анингдек тийнати покиға лойиқ
Дуосин айлабон поки халойиқ.

Ана шундай покиза табиат Фарҳод ўз маҳбубаси Ширин ишқида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатди; чин севги ана шундай поклик бор жойда юзага келади. Севги бор жойда эса ёвузликка ўрин йўқ. «Фарҳод ва Ширин»да ошиқлар қисмати ғожиали тугаса-да, у севги тантанасини ифода этувчи, соф инсоний муҳаббатни улуғловчи илҳомбахш достондир. Худди шундай фикрни «Хамса»нинг учинчи асари «Лайли ва Мажнун» тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Лайли ва Қайс ўртасидаги муҳаббат иккки инсоннинг соф муҳаббати эди. Бу севги ўзининг кучи ва оловкорлиги билан барча тўсиқларни чилпарчин этган, енгилмас қудратга эга бўлган, дунёдаги бор шартлиликлардан бениҳоя устун турган буюк туйғу сифатида намоён бўлади.

«Хамса»нинг тўртинчи асари «Сабъаи сайёр» («Етти саёҳатчи»)да ҳам Навоий севги қудратини куйлайди ва улуғлайди. Айни замонда достондаги кичик шеърий ҳикояларда эзгулик, жасорат, садоқат, тўғрилик ғояларини тарғиб этади.

«Хамса»нинг бешинчи асари «Садди Искандарий» Навоийнинг ижтимоий қарашларига якун ясовчи фалсафий-ахлоқий асардир. Навоий тарихий воқеалар (Искандар фаолияти) орқали ўзининг жамият ҳаёти, уни уюштириш, инсон такомили, уни амалга ошириш тўғрисидаги фикрларини изҳор этади. Сўнгра бу фикрларни кичик шеърий ҳикоялар ва ҳикматлар орқали тасдиқлайди. Бу асардаги асосий фикр жаҳонгирликка интилишнинг беҳуда эканлиги, инсоннинг вазифаси маънавий такомил касб этмоқдан иборат бўлмоқлигидир.

Бутун дунёни ўз тасарруфига киритган Искандар ўлими олдидан онасига ёзган хатида бутун қилмишлари хато эканлигини бўйнига олади. Буни кеч тушунганидан афсус қилади:

Кўлимда агар нақд мақсуд эмас,
Пушаймонлиғимдин вале суд эмас.
Бошимға тушиб ҳарза андишае
Дедим олам очмоқ эрур пешае
Не қилғон хаёлим бари хом эмиш
Ҳавас жомн кўнглумға ошом эмиш...
Санга айлабон ҳоки даргоҳлиқ,
Анинг отин этсам эди шоҳлиқ!

Шоир «Лисон ут тайр» («Қуш тили») достонида эса қушлар тимсолида маънавий мукаммаллик қанчалар юксак даражага кўтармоғини бадиийятга бой лавҳалар орқали баён этади.

Навоий лирикаси унинг ўлмас «Хазоинул маоний» («Маънолар хазиналари») девонида тўла акс этган.

Устознинг лирик қаҳрамони севгига барқарор, ўз муҳаббатли ёрига чин садоқат билан берилган фидокор ошиқдир. Навоий қаламига мансуб барча шеърларда шу қаҳрамоннинг ҳаяжонли кечинмалари куйланади. Шу билан бирга Навоий ўз шеърларида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик фикрларни ҳам зўр куч билан тарғиб қилади. Шоир кишиларни дўстлик, биродарликка чақиради, нифоқ ва душманликни йўқ қилишга ундайди:

Олам аҳли, билингиз, иш эмас душманлик,
Дўст бўлинг бир-бирингизга, эрур дўстлик иш.

Унинг «Мажолис ун-нафоис» («Нафоисларнинг йиғинлари»), «Насоимул муҳаббат» («Севги шаббодалари»), «Мезонул авзон» («Вазнлар тарозуси»), «Муншоот» («Хатлар») каби асарлари Ўрта Осиё халқлари адабиёти ва тафаккур тарихига, адабиёт назариясига оид маълумотларга бой илмий манбалардир.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини унинг устози ва дўсти Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414—1492)дан айрим ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Форс-тожик тилидаги адабиётнинг улуғ вакили Жомий билан Навоийнинг дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги асрий биродарликнинг ёркин тимсолидир. Навоий Жомий хотирасига бағишлаб «Хамсатул мутаҳаййирийн» («Беш ҳайратланувчи») асарини ёзган. Шунингдек, Навоийнинг ўз дўстлари Саййид Ҳасан Ардашер ва Муҳаммад Паҳлавонга бағишлаб ёзган асарлари ҳам бизгача етиб келган.

Навоий ўз даврининг фарзанди эди. Шунинг учун унинг ижодий фаолияти ва фалсафий қарашларида давр таъсири туфайли юз берган чекланувлар бор. Улар ислом мафкурасига муносабатда, якка ҳукмронликка асосланган давлат тузумини мустаҳкамлашга интилувда, Хуросон подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро шахсини улуғловда кўринади. Аммо биз учун Навоий ҳаёти ва ижодининг жавҳарини ташкил этган халқпарварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ғоялари муҳимдир. Улуғ шоирнинг интернационализми ана шу буюк асослардан келиб чиқади. Навоий сиймоси тарихда инсон ва инсониятнинг шаънини юксакликка кўтарган отаҳқалб ижодкор сифатида мангу барқарордир.

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори.

Пойтахтимиздаги қутлуғ маданият масканларидан бири Алишер Навоий номи билан аталади. Бу ерга — Адабиёт музейига келувчилар буюк шоир ва мутафаккирнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва илмий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар, маданият арбоблари томонидан яратилган, бетакрор инсон ва шоир образини тасвирлаган санъат асарлари билан танишадилар.

Суратда: А. Навоий номидаги Адабиёт музейи залларида.

В. Молгачёв фотоси.

АДАБИЙ КЕЧА

Тошкент Давлат маданият институтида Алишер Навоий таваллудининг 544 йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Кечада буюк шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида доклад қилинди. Институт ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари Навоий шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этдилар, талабалар эса улуғ сўз санъаткорининг энг машҳур ғазалларини ифодали ўқиб бердилар.

АНЪАНАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Республика Навоий комитети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳар йили улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий адабий ва илмий меросига бағишлаб илмий конференция уюштиради. Ҳозиргача шундай анжуманларнинг йигирма саккизтаси бўлиб ўтди. Кеча таниқли навоийшунослар, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганаётган олимлар XXIX конференцияга йиғилдилар.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, республика Навоий комитетининг раиси Иззат Султонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг «Навоий—ҳақиқат қуйчиси», «Хамса»да янги ижтимоий тип талқини», «Улуғ шоир достонларининг жанр хусусиятларига доир», «Навоий ва форс-тожик адабиётининг баъзи масалалари», «Ҳиндистондаги XVIII аср адабий манбаларида Навоий ижоди», «Навоийга замондош шоиралар», «Хамса» поэтикасини ўрганишнинг баъзи проблемалари» мавзуларида қизиқарли докладлар ва ахборотлар тинглади. Йиғилганларда «Енисей ёдгорликлари ва XV аср ўзбек тили», «Хамса» тилида сўз ва сўз вариантлари», «Хамса» — Навоий биографиясини ёритувчи манба» темаларида қилинган доклад, ахборотлар ҳам илиқ таассурот қолдирди.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар олдидан

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Киров районидаги 63-сайлов участкаси агитпункти Тошкент алоқа электротехника институтига жойлашган. Агитпункт сайловга доир турли шиорлар билан безатилган. Бу ерда агитаторлар сиёсий тушунтириш ишлари олиб боришлари, сайловчилар маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё. Институтнинг агитпункт атрофига уюшган тажрибали ўқитувчиларидан иборат 112 агитатор сайловчилар орасида сиёсий тушунтириш ишларини қизғин олиб боришяпти. «Ўзбекистон экономикаси XI беш йилликда» деган темада иқтисод фанлари кандидати М. Т. Абдурасулов, СССРнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида тарих фанлари доктори Я. Шарипов, «Совет гражданларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари» темасида юридик фанлари кандидати Н. Р. Хасамиев ўртоқларнинг ўтказган лекция ва суҳбатлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Агитпунктнинг иш планида кўпгина тадбирлар мўлжалланган. Меҳнат ва уруш ветеранлари, номзодлар билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари, концертлар ана шулар жумласидандир.

— Институтимиз олимлари, ўқитувчилари, жамоатчи комсомоллар бу сиёсий кампанияга бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашаётганликлари туфайли сайловолди ишларимиз мазмунли, маромли ўтяпти, — дейди агитпункт мудири профессор А. Абдунабиев. — Тажрибали ва ишчан агитаторлардан М. Асқарова, И. Шопен, Н. Ражабова, М. Тўраҳонова, В. Филин, Б. Алиев ўртоқлар сайловчилар орасида тез-тез бўлиб, сиёсий-тушунтириш ишларини тобора жонлантирмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ЛЕКТОРЛАР—САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Андижон область партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими «Билим» жамияти область ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар муносабати билан агитация-пропаганда группаси ташкил этди. Унинг составида олий ўқув юртларининг олимлари, юристлар, партия, совет ходимлари бор. Улар меҳнаткашлар ўртасида «Дунёда энг демократик сайлов системаси», «СССРнинг ички ва ташқи сиёсати», «Қонун ҳамма учун», КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари мавзуида лекция, суҳбатлар ўтказадилар. Агитгруппа Балиқчи, Олтинкўл районларида бўлди. Ғ. Абдуллаев, У Аҳмаджонов, Н. Ҳожихонов, Қ. Жўраев, М. Жўрабоев ва бошқаларнинг сайлов участкаларида ўқиган лекция ва суҳбатлари маромли бўлди.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ТЕЖАМКОРЛИК — БЕБАҲО РЕЗЕРВ

МАҚСАД ЙЎЛИДА

Вазифаси бир хил бўлса-да, ишланиши турлича олти хил релени «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг номенклатурасидан чиқариб ташлашга қарор қилинди. Уларнинг ўрнига РПТУ-9М маркали универсал реле ишлатиладиган бўлади. Кафе, ошхона ва бошқа умумий овқатланиш корхоналарини ёритишни бошқариб турадиган қурилмаларга аталган шундай приборлар конвейердан туша бошлади. Янгликни ясаш учун унификация қилинган технологик машина-ускуналардан фойдаланиляпти. Бу нарса уни жорий этишни енгиллаштирди, маҳсулот таннархини арзонлаштирди.

Корхона иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаётган ҳозирги пайтда бундай ишлар, айниқса, муҳим бўлиб қолди. Эндиликда коллективнинг маъмурий-хўжалик фаолиятига баҳо беришда маҳсулот таннархини арзонлаштириш асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолди.

Бундан беш йил аввал корхонада янги бир хизмат зонаси очилган эди. Бу хизмат зонаси бирлашма маркаси билан чиқадиган ҳамма маҳсулотлар конструкцияси ва вазифасини ўрганиб чиқиб, унинг таннархини арзонлаштириш йўлини топишга ҳаракат қиладн. Бояги ишни ҳам шу хизмат бажаради. Беш йилдан бери приборсозлар шу хизмат туфайли миллион сўмга яқин пул тежадилар, ишлаб чиқаришга 18 хил янгиланган маҳсулот жорий этилди. Шуларнинг ҳар бири бир группа приборлар сонини алмаштиради ёки ўз вазифасини адо этгани ҳолда ясалиши учун оз металл сарфланади.

Мутахассислар мавжуд электротехника машина-ускуналарини такомиллаштириш устида ишламоқдалар. Такомиллашган РПУ-2М3 маркали реле ишлаб чиқариш шу тахлитда ўзгартирилди. Янги приборлар ўзларидан аввалги приборларнинг вазифасини адо этса-да, ташқи кўринишн ўзгарди: прибор ихчам ва енгил бўлиб қолди. Инженерларнинг таклифига биноан контакт системасидаги пластиналар конструкцияси соддалаштирилди, маҳкамловчи симлар миқдори камайтирилди, сим сарфи озайди. Эндиликда приборларни ишлаб чиқаришда металл камроқ кетадиган бўлиб қолди. Инженерлар реле конструкциясини ўзгартирган ҳолда уни ясашни ҳам енгиллаштира билдилар ва меҳнат сарфини камайтирдилар. Шу биргина янгиликни жорий этиб, корхона 123 минг сўм тежайдиган бўлди.

Бултур бирлашма коллективи ҳом ашё тежаш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш масалаларини комплекс ҳолда ҳал этадиган функционал таннарх анализ методларидан фойдаланиш туфайли 250 тоннага яқин қора ва рангли металлни тежади.

Бирлашма коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар конструкциясини такомиллаштириш ҳисобига бир йилда 382 минг сўм, бултургидан қариб икки баравар кўп маблағ тежаш ниятидадир.

(ЎзТАГ).

АХЛОҚ ВА ДАВР

ВИЖДОНАН МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

АВТОРНИ ТАНИШТИРАМИЗ

1936 йилда туғилган. 19 ёшида бригада бошлиғи этиб тайинланган. Пахтачиликда қўлга киритилган юксак ютуқлари учун 20 ёшида Ленин ордени билан тақдирланган. 30 ёшида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган. Кейинги икки чақириқ СССР Олий Советининг депутати.

Совет кишилари партия XXVI съезди тарихий қарорларини изчил амалга ошириш билан бирга, коммунистларнинг навбатдаги анжуманини муносиб кутиб олиш учун катта меҳнат совғалари ҳозирламоқдалар. Шу муносабат билан кўпдан бери юрагимга тугиб келаётган айрим фикр ва мулоҳазаларимни баҳам кўришга жазм этдим.

Газеталарда, бекатларда эълонларга кўзингиз тушади. Уларнинг кўпида «Фалон корхона ёки идорага ишчи, мутахассис керак, маоши фалон сўм, қуйидаги имтиёзлари бор» деган сўзлар ёзилган. Маълумки республикамизда йилдан-йилга аҳоли сони ўсиб боряпти, олимлар турли ақлли машина ва дастгоҳлар ихтиро этишяпти. Шундай автомат ва механизмлар ҳам борки, қисқа вақт ичида бир неча юз кишининг юмушини амалга ошира олади. Хўш, шундай экан, нима учун бизда ҳамон ишчи кучлари етишмаяпти?

Яқинда тонг ёришмасдан аэропорт томонга кетаётган эдик. Йўл четига яп-янги «Волга» машинаси келиб тўхтади. Ундан қирқ ёшлардаги киши тушиб машина юкхонасидан бир дона супурги олди-да, узун ёғоч дастак қўндириб, кўча супуришга тушиб кетди. Унинг ҳаракатларини диққат билан кузатаётганимни сезган ҳамроҳим: «Бу кишини танийман, у номигагина фаррош бўлиб ишлайди. Кундузлари вақтини бозорда ўтказади. Бир кунда фаррошнинг бир ойлик маошидан кўпроқ пул топади», — деди. Дарҳақиқат, бозорларда қишин-ёзин чайқовчилик қилиб кун кўраётган кишилар оз эмас. Уларни ҳар бир шаҳар ва қишлоқ бозорларида, ҳатто Шимолдаги узоқ шаҳарларда ҳам учратиш мумкин.

Баъзи идоралар, ташкилотларда ёш-ёш йигитлар қоровул бўлиб ишлашади. Улар ҳафтада бир-икки кун навбатда туришади, холос. Бошқа кунлари эса устачилик, чайқовчилик билан шуғулланишади. Тўғри, усталар меҳнатлари эвазига ҳақ оладилар. Бироқ улар мўй-май даромадга эга бўлиш, камроқ меҳнат қилиб, кўпроқ пул топиш ва осон турмуш кечириш, бошқача айтганда жамиятга кам бериб, ундан кўпроқ нарса юлиб қолишга ўтиб олишган. Ҳолбуки, уларнинг зарур билим олишлари, касб-корга эга бўлишлари учун давлат жуда кўп ғамхўрлик қилган.

Номигагина бирор ташкилотда ишлаб, бозорларни «гуриллатиб» чайқовчилик, боққолчилик қилиб кун кўраётган кишиларни маҳалла комитетлари, милиция органлари билмайди, дейсизми? Билишади, бироқ, уларга нисбатан қатъий чора кўришмайди. Шахсий манфаатлари йўлида ҳаром-харишдан тап тортмайдиган бундай шахсларнинг энг хавфли томони — ёшлар тарбиясига салбий таъсир ўтказишлари мумкин. Улар ўз юриш-туришлари билан гўё «дипломли инженер ёки ўқитувчи бўлмасам ҳам улардан яхши яшаяпман», деган фикрни тенгқурлари қулоғига қуймоқчи бўлишади.

Москвага, СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига борганимда ленинградлик депутат дўстим шундай деди: «Яқинда республикангизга бориб, бир нарсага ҳайрон бўлдим. Тоғни урса талқон қиладиган бақувват йигитлар савдода, умумий овқатланиш тармоқларида ишлашаркан». Пештахта ортида аёлларнинг ички кийимларини сотаётган, сомса тугиб, лағмон чўзиб ўтирган полвоннусха йигитлар кўз олдимга келиб, дўстимнинг қаршисида уялдим. Нега биз — партия аъзолари баъзи ёшларнинг енгил-елпи ҳаёт кечиришга интилишларига бефарқ муносабатда бўляпмиз? Ахир, улар бизнинг келажагимизку?

Мен Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йиллардаги кўп азоб-уқубатлар, очарчилик ва ҳоказоларни кўрганман, буни яхши эслайман. Шунинг учун ҳам ёшларни меҳнатда чиниқтириш, иродасини тоблашимиз керак. Токи, болаларимиз енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолишмасин. Бригадамизда 52 ишчи бор. Уларнинг ўртача ёши йигирма олтида. Абдумутал Набиев, Аъзамхон Мавлонов, яна уч-тўрт ишчидан бошқа ҳамма аъзоларимиз комсомол-ёшлар. Бизда бу ёш, у таниқли пахтакор, деган гап йўқ. Интизом ҳаммага бирдек қатъий қилиб қўйилган. Убайдулла Мамаров, Усмон Маматов, Одил Зарипов, Назира Юсупова, Моҳира Ҳасанова сингари ёшлар гўза қатор ораларини юмшатишади, эгатларга сув тарашади, трактор рулини бошқаришади. Пахтакорларнинг яхши ишлаши учун бизда барча зарур шароитлар яратилган. Ердамчи хўжалигимизда ташкил этилган чорва фермаси ишчиларнинг эҳтиёжларини қондиришда жуда қўл келяпти. Тушликни бепул қилиб қўйганмиз.

1984 йилда ҳар гектар ердан 52 центнердан пахта йиғиштириб олдик. Сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 1 сўм 50 тийиндан қўшимча ҳақ тўланди. Механизаторларнинг ўртача йиллик даромади 5 минг сўмдан ортиқ бўлди. Оддий ишчиларнинг ўртача даромади эса 4,5 минг сўмга етди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида таъкидланганидек, сўнгги йилларда республикамизда партия, давлат ва меҳнат интизоми анча бўшаштириб юборилган эди. Ҳақиқатан ҳам кўпинча интизом ҳаммага баробар бўлиши керак деймиз-у, амалда буни унутиб қўямиз. Агар бирон киши ишга кечикиб келгудек бўлса, унга танбеҳ берамиз. Бу ҳол яна такрорланса, унинг маошидан чегириб қоламиз, мукофотдан маҳрум этамиз. Лекин, ишига совуққонлик билан қараган раҳбарларнинг айби билан баъзан қурилиш бригадалари аъзолари ҳом ашё, материаллар йўқлиги учун кун бўйи ишламасдан бекор ўтирадилар. Оқибатда давлатга жуда катта зарар етказилади. Аммо, ана шу тартибсизликни вужудга келтирган қурилиш ёки саноат корхоналари раҳбарларига чора кўрилмайди.

Пахта кўп машаққатлар билан етиштирилади. Бироқ у пунктларда яхши сақланмаяпти. Бу ердан заводларга пахта ташийдиган машина ва тракторлар қиммат-баҳо ҳом ашёни кўчага тўкиб кетишади. Сиртдан қараганда ана шундай майдачуйда кўринган нуқсонлар, камчиликлар сабабли пахта толасининг сифати пасайиб, миқдори камаймоқда.

Ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида шундай дейилади: «...кимки ёмон ишласа, у ёмонроқ яшашга, ва ҳатто илгаригидан ҳам ёмонроқ яшашга кўникиши керак». Бу — ишёқмас, дангасаларга қарата айтилган сўз! Нега энди кимдир яхши, унумли ишлаб, Ватан бойлигига бойлик қўшади-ю, бошқа биров бўлса, қўл учида, номигагина меҳнат қилади? Лекин илғорлар билан теппа-тенг барча имтиёзлардан фойдаланишади? Бундайлар бурчларини унутсалар ҳам ҳуқуқларини доимо ёдда сақлайдилар. Биз — коммунистлар уларга қарши кескин кураш олиб боришимиз зарур.

Яқинда совхозимизда бригада бошлиғи Дадахон Насимов вазифасидан бўшатилди. У коллектив аъзолари ўртасида меҳнат интизомини, уюшқоқликни таъминлай олмади. Бригада етакчисининг бўшанглиги оқибатида планлар бажарилмас, ишчилар тузукроқ маош олишмас эди. Хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотчилари зиммасига юклатилган вазифани уддалай олмаётган, янгиликни сезмайдиган, ташаббуссиз раҳбарларга нисбатан қаттиққўл бўлишлари зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмалари бизни ана шундай фаолият кўрсатишга даъват этмоқда.

Ўртоқ К. У. Черненко юқорида номи тилга олинган асарида «Кишилар кўпинча коммунистнинг ишларига ва хулқ-атворига қараб партия ҳақида, унинг сиёсати ва идеологияси ҳақида фикр юритадилар», деб таъкидлаган. Демак биз — партия аъзолари ҳаётимизнинг турли соҳаларида учраб турадиган катта-кичик нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлишимиз; турмушимизнинг янада фаровон, мароқли ўтиши учун виждонан, ташаббус ва зарбдорчасига шижоат билан меҳнат қилишимиз зарур.

Абдусаттор ШАРИПОВ,
Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Ўзбекконцерт» гастроль-концерт бирлашмаси ҳар йили қардош республикалар ва чет эллардан кўплаб таниқли бадиий коллективлар, санъаткорларни таклиф қилади. Айни вақтда ўзининг ансамбллари ва иқтидорли ижрочиларини қардошларимиз ҳузурига, чет эллик санъатсеварлар даврасига йўллаб туради. Ана шу гастроль ва ташрифлар халқлар ўртасидаги дўстликни, санъаткорлар ўзаро алоқаси ва ижодий ҳамкорлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мухбиримиз Х. Қосимов «Ўзбекконцерт» директори, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Энмарк СОЛИҲОВ ҳузурида бўлиб, у билан суҳбатлашди.

— Гастроллар турли мамлакатлар, республикалар халқлари ўртасидаги дўстликни, қардошликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшувчи ажойиб воситадир. Буни санъаткорлар қалбдан ҳис этадилар. Ана шу ижодий сафарлар айни вақтда ўзига хос кўзгу сифатида ҳам таъкидланади, эътироф этилади. Бу кўзгудан биз ҳозирги замон музика ва ижрочилик санъатига ажойиб хисса қўшаётган бадиий коллективларнинг, таниқли санъаткорларнинг изланишларини, оригинал фаолиятларини кўриб турамиз.

Биз учун ҳам ўтган йил эсда қоладиган йил бўлди. Тошкентга, республикамизга машҳур ансамбллар, артистлар ташриф буюришди. Улар билан бўлган азалий алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Ансамбларимиз эса, олтмиш йиллик юбилейга бағишлаб куй ва қўшиқлар яратдилар. Бу асарлар қардошларимиз ҳузурида ижро этилганда илиқ кутиб олинди.

Бу йил Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаймиз. Ана шу тарихий сана муносабати билан коллективларимиз ва ижрочиларимиз янги номерлар, репертуарлар тайёрламоқдалар. Айни вақтда КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ўйи билан яшаётган ва ишлаётган замондошларимизни шарафловчи, улуғловчи куй ва қўшиқлар устида иш олиб бормоқдамиз. Булар масъулиятли изланишни талаб қилади, албатта. Шу ўринда улуғ композиторлар, артистлар ва бадиий коллективларнинг ибратли изланишларидан, тажрибаларидан янада самаралироқ фойдаланишимиз кераклигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Таклифимизга биноан ташриф буюрадиган чет эллик ансамбллар ва санъаткорлар орасида аллақачон санъат мухлисларига танилган, турли фестиваллар ва конкурсларда голиб чиққан хонанда ва созандалар, бадиий коллективлар бор. Чехословакиялик Людовит Кант, мексикалик Энрико Веласко, югославиялик Монре Смайловичлар шулар жумласидандир. Шуниси қувончлики, дўстларимиз Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан яратган қўшиқлари, куйлари билан Тошкентга келадилар.

Қардош республикаларнинг машҳур ансамбллари, санъаткорлари ҳам ташриф буюришади. Уларнинг аксарияти авваллари Ўзбекистонда бўлишган. Баъзи ансамбллар ва санъаткорларни кўп сонли томошабинларнинг илтимосига биноан таклиф қилганмиз. Оригинал жанр устаси Владимир Винокур худди шундай меҳмонларимиздан.

Бизнинг коллективлар ўз навбатида чет элларда, қардош республикаларда ижодий сафарда бўладилар. Масалан, севимли «Ялла» ансамблининг гастроль меридианлари Шри-Ланка, Непал, Бангладеш каби ҳорижий мамлакатларни қамраб олади. «Наво» «Наврўз», «Хайтарма», «Чен-Чун» ансамбллари эса, қардош республикалар — Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда бўлишиб, ўзларининг бугунги репертуарларини, ижрочилик маҳоратларини намойиш этадилар.

Биз томошабинларнинг илтимосига мувофиқ, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида таниқли хонандаларнинг концертларини уюштиряпмиз. Бу концертлар санъат мухлисларига олам-олам қувонч бахш этмоқда.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА ЎҚУВ ЮРТИ
1985-86 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ошпаз, озиқ-овқат моллари сотувчиси, саноат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати 1 йил;

Қандолатчи, ошпаз (миллий ва чет эл таомларини биладиган), **официант** (чет тилини биладиган). **Ўқиш муддати 2 йил;**

ошпаз (қандолатчи), **саноат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати 3 йил;**

мева-сабзавотлар сотувчи. Ўқиш муддати 8 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, таржиман ҳоли, характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси.

Билим юрти адреси: 700114, Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусобод массиви, 18-квартал (9, 107, 117-автобусларнинг «27-мактаб» бекати).

«СПОРТЛОТО» МУХЛИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1985 йил январидан бошлаб «СПОРТЛОТО»нинг ютуқлар тиражи унда иштирок этувчиларнинг илтимосига кўра якшанба кунлари ўтказилади.

Ҳар ҳафтанинг якшанба куни эрталаб марказий телевидение орқали «49 дан 6» лотереяси ва «36 дан 5» лотереяси бўйича ўйинлар олиб кўрсатилади.

1985 ЙИЛ ФЕВРАЛИДА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

10 февралда — 06 ТИРАЖ;
17 февралда — 07 ТИРАЖ;
24 февралда — 08 ТИРАЖ.

Ютуқлар тираж ўтказилганидан сўнг 11-кундан бошлаб бир ой давомида тўланади.

05 тиражи бўйича — 14 ФЕВРАЛДАН 14 МАРТГАЧА;
06 тиражи бўйича — 21 ФЕВРАЛДАН 21 МАРТГАЧА;
07 тиражи бўйича — 28 ФЕВРАЛДАН 28 МАРТГАЧА;
08 тиражи бўйича — 7 МАРТДАН 7 АПРЕЛГАЧА.

ЛОТЕРЕЯ ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШУВЧИЛАРДАН ИЛТИМОС!

Ютуқлар бўйича ёзма равишдаги шикоятни тақдим этишда, албатта сиз билетнинг «БВ» қисмлари ташланган «Спортлото» қутиси номерини кўрсатинг.

Тошкент шаҳрида билетнинг «БВ» қисмларини жўнатиш сўнгги муддати қуйидагича:

пайшанба куни 18.00 гача — фирма киоскаларида;
жума куни 16.00 гача — «Спортлото» бошқармасида (Халқлар дўстлиги проспекти, 11-уй).

СИЗГА ЎЙИНДА ОМАД ТИЛАИМИЗ!

СПОРТ ЛОТЕРЕЯЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

«ЎЗБЕКЗОЛОТО» бирлашмасининг «МАРЖОНБУЛОҚ» ОЛТИН ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОНИ

бойитиш ускуналари бўйича электрик ва механиклар, металл қирқиш станоклари ва ускуналари бўйича механиклар, подстанциялар ва электр тармоқларига хизмат кўрсатувчи электриклар, токарлар, пайвандловчилар, газ-электр пайвандловчилар, слесарь-сантехниклар, бойитиш ускуналарининг ремонтчи-слесарлари, карьер ва шахта ускуналари ремонти бўйича слесарлар, автотранспорт цехи мотористлари, экскаваторларнинг машинистлари, бульдозерчилар, «БелАЗ» ҳайдовчилари.

МЕҲНАТ ҲАҚИ ИШБАЙ.

Асосий маошга 30 процент миқдорида район коэффициенти қўшиб тўланади. Ишчиларга ётоқхона берилади, бир йилдан сўнг оиладиларга яхши жиҳозланган квартира берилади.

Адресимиз: 704600, Жиззах области, Ғаллаорол райони, Маржонбулоқ шаҳри, Маржонбулоқ олтин қазиб чиқариш кони.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА СССР БИРИНЧИЛИГИ учун
II ГРУППА
шарқий зона командалари ўртасида

ХОККЕЙ

9 февралда
«БИНОКОР» (Тошкент) — «КЕДР» (Томск)
14, 16, 17 февралда
«БИНОКОР» (Тошкент) — АСК (Новосибирск).

Шанба ва якшанба кунлари ўйинлар соат 17.00 да, бошқа кунлари эса соат 19.00 да бошланади.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИ ИШЛАМОҚДА.

46-03-12, 46-70-31, 46-07-53, 46-68-77 телефонлари бўйича маълумотлар олиш мумкин.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Шарқ юлдузлари» коллективининг гастроллари** (19.30).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/II да **Пётр Биринчи** (17.00), 10/II да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II да **Шошма, қуёш,** 10/II да **Зебуннисо** (12.00 ва 19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/II да **Узилган торлар,** 10/II да **Мангулик.**

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали коллективи редакция ходими И. Зоировга онаси

Ҳамро ЗИЕЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзобувьрембит» республика саноат бирлашмаси коллективи Бухоро «Облобувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори А. О. Рашидовга онаси

Олим Абдурашидович РАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯНГИЛИКЛАР

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

● **Ургут районидаги Калинин номли колхоз марказида 360 ўринли мактаб биноси қад кўтаряпти.**

Уни «Мажколхозстрой» трестига қарашли 76-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этмоқдалар. Айни шу кунларда қурилишнинг пардозлаш ишлари тугай деб қолди. Илғор бинокорлардан Л. Белялов, С. Жонимова, Н. Алексеева, Р. Ботировлар кунлик топшириқларини 1,5—2 ҳисса етказиб адо этмоқдалар.

С. УРОҚОВ.

МУЗИКА МАКТАБИГА ЯНГИ БИНО

● **Сирдарё областидаги кенжа шаҳар — Сирдарё бағрида яна бир муҳташам бино қад кўтарди.**

У шаҳар болалар музика мактабининг янги биносидир. Қурилишни шаҳардаги 290-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар. Мактаб замонавий музика асбоблари билан таъминланган. Бинодан кутубхона, концерт зали ва дам олиш хонаси ҳам ўрин олган.

Қ. ҲОЖИЕВ.

Фан ва техника янгиликлари

ШОВҚИНСИЗ ВИБРАЦИЯ

● **Латвиядаги 1-темир-бетон конструкциялар заводининг цехларидан бирида вибрацион установкаларнинг шовқини йўқолиб, жим-жит бўлиб қолди. Қайта ускуналанган технологик линия шундай ишламоқда. Лекин бу ерда газобетон структурасининг шаклланиш жараёнида самарали таъсир кўрсатувчи вибрация бутунлай йўқолиб кетгани йўқ, балки, шовқинсиз, қарийб сезилмас бўлиб қолди, холос.**

Рига политехника институти қурилиш ишлари кафедрасида доцент Э. Курносов раҳбарлигидаги бир группа олимлар янги технологияни ишлаб чиқди.

Кафедра мудири профессор В. Дзенис янгиликни шарҳлаб: —вибрация технологик операциялардан бири — газобетон қоришмаси кўпчишини тезлаштиради,— деди. —Биз тебраниш амплитудасини анча кўпайтирган ҳолда частотасини эллик марта камайтирдик. Бундан ташқари тебранишлар йўналишини ҳам ўзгартирдик. Эндиликда вибромайдон илгаригидек юқорига—пастга эмас, балки, горизонтал ҳолда ҳаракат қилади.

Натижада газобетон блоклар ва панеллар пишиқлиги ва зичлиги жиҳатидан кўпроқ бир жинсли бўлиб қолди. Машина-ускунанинг энергия истеъмоли эса 15 баравар камайди. Яна бир афзаллиги шуки, виброустановка остига пойдевор қуриш керак эмас, янгиланган линия алоҳида эътиборни талаб қилмайди ва узоқ вақт бузилмай ишлай олади.

ПАХТА ҚУРИТИШ УЧУН

● **«Узпромвентиляция» трестининг мутахассислари пахтани тез қуритиш усулини ишлаб чиқдилар. Бу усул шу жараённи анча қисқартиришга имкон беради, қўшимча энергия ҳам талаб этилмайди.**

Иссиқ ҳаво бевосита пахтагагина эмас, шу билан бирга роликларга ҳам келиб уларни ситади. Пахта роликларга тегиб қурийди. Бунда қуритиш сифатини ростлаб туриш имконияти ҳам бор.

ЧИҚИТДАН ДАЛА ВИТАМИНЛАРИ

● **Самарқанд давлат университети физик коллоид химияси кафедрасининг олимлари аммофос ишлаб чиқариш чиқитидан ўғит сифатида фойдаланишни таклиф қилдилар.**

Оқдарё районидаги хўжаликлардан бирининг тажриба пахта даласига озгина ишлов берилган фосфогипс солинди. Мамлакат химия корхоналарининг чиқинди уюмларида унинг запаслари кўп. Тажриба даласида гўзаларнинг пишиб етилиш муддати контрол намуналарга нисбатан ўн-ўн беш кун қисқа бўлди. Бунинг устига тола пишиқроқ, баракали бўлиб қолди. Бошқа бир пайкалда силос бостириш учун маккажўхори экилганди. Бу ерда ҳам жўхори бачкиси контрол пайкалга нисбатан 20 процент кўп бўлди.

Ҳозир олимлар ва деҳқонлар янги ўғитни синовдан кенг кўламда ўтказишга тайёрланмоқдалар.

ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ

◆**Қозоғистон озиқ-овқат институтида шамоллашга қарши ичимлик рецепти ишлаб чиқилди. Бу шифобахш ичимлик карам баргига мева ёки сабзавот шарбати қўшиб тайёрланади.**

СПОРТ

ФУТБОЛ:

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

ФУТБОЛ командалари янги мавсумга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар, Мамлакат чемпионати ўйинларининг янги низомга мувофиқ ўтказилиши мутахассислар ва футболчилар масъулиятини янада оширмоқда. Ҳар бир футболчининг қайси лигала ўйнашидан қатъи назар, маҳорати шу кун талабига жавоб бериши лозимлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Куни кеча олий лига командаларининг ўйинлар календари эълон қилинди. Бу йил олий лигада 18 команда иштирок этади. Келаси йиллан эса уларнинг сафи иккита камаяди. Олий лигачилар чемпионат ўйинларини 1 март куни бошлайдилар.

Биринчи лига вакили — «Пахтакор» командаси футболчилари шу кунларда Сочи шаҳрида мавсумга ҳозирликни давом эттирмоқдалар. Бу ерда пахтакорчилар бир неча ўртоқлик учрашувларида иштирок этадилар. «Пахтакор» биринчи ўйинни «Шахтёр» коллективи билан ўтказади.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **МЕРГАНЛИК. «Спартак» кўнгилли спорт жамияти республика Совети биринчилиги учун ўтказилган мусобақада тошкентлик армиячи А. Томашевский хандақ стендига отишда 200 имкониятдан 191 очко олиб ғалаба қозонди. Доира стендини нишонга олишда эса динамочи В. Гапоненко 190 очко билан зафар қучди.**

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ленинградда ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилигида республикамиз вакили Аида Эмирсалимова баландга сакрашда 175 сантиметрли натижа кўрсатиб, учинчи ўринни олди. Вакилларимиз умумкоманда ҳисобида ҳам совринли учинчи ўринни эгаллашди.**

● **СУВ ТЎПИ. Тбилиси шаҳрида олий лига командалари мамлакат чемпионатининг учинчи тур ўйинларини ўтказишмоқда. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси Тбилиси динамочилари (12:17) ва «Балтика» (6:8) коллективи билан учрашди.**

● **ШАХМАТ. Ригада ўтказилаётган мамлакат чемпионати иштирокчилари ўртасида кечиктирилган ўйинлар давом эттирилди. Тошкентлик Г. Аъзамов А. Михальчишинни ютиб, очколарини 5 тага етказди. А. Соколов билан В. Эйнгорн 7,5 очко билан олдинда боришмоқда.**

ОБ-ҲАВО

Бугун Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳаво булутли келиб, ёғингарчилик бўлади. Шимоли-ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. 1—6 даража иссиқ бўлади. Қолган жойларда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Жануби-шарқдан секундига 9—14, Тошкент, Сирдарё ва Қашқадарё областларининг айрим ерларида 17—22 метр тезликда шамол эсади. Фарғона водийсида 1—6, жанубда 10—15, қолган жойларда 6—11 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсиб, 8—10 даража иссиқ бўлади.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.50 — Телефильмлар. 10.35— Спортлото. 10.45 — «Будильник». 11.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан!. 12.15 — Здоровье. 13.00 — Тонгги почта. 13.30 — Совет тупроғидаги учрашувлар. 13.45 — Қишлоқ янгиликлари. 14.45 — Музикали киоск. 15.15 — Бугун — Аэрофлот куни. 15.45 — «Андромеда туманлиги». Бадиий фильм. 17.00 — Саёҳатчилар клуби. 18.00 — Сайловчиларнинг наказларига биноан. 19.00 — Халқаро панорама. 19.45 — Мультфильм. 20.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.30 — «Время».

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.15 — Расмларда қуёш акси бор. 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — Рус тили. 10.30 — Дзюдо кураши бўйича халқаро турнир. 10.50 — Яшашни ўрганиш керак. 11.10 — Концерт. 12.05 — Ҳайвонот оламида. 13.05 — Телеочерк. 13.35 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 15.10 — Озарбайжон телевидениесининг программаси. 16.25 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.55 — «Орқага йўл йўқ». Бадиий фильм, 1-серия. 18.00 — Замондошлик қувончига мушарраф бўлганман... 18.45 — Конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионати. 19.15 — Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Композитор И. Егиков қўшиқларини И. Воронцова ижро этади. 20.55 — Дунё ва ёшлар. 21.30 — «Время». 22.15 — «Сицилианча ҳимоя». Бадиий фильм. 23.45 — Тўпли хоккей бўйича жаҳоён чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.25 — Мультфильм. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — Қувноқ стартлар 12.20 — «Ёшлик». 13.05 —«Ўзкинохроника—84». Ийл якунлари. 14.05 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 15.05 — Реклама. 18.05 — Ўйлаб топ. 18.35 —. «Наштар» ҳажвий киножурнали. 18.45 — Бугун — Аэрофлот куни. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Назм ва наво». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Назм ва наво» (давоми). 21.30 — «Время». 22.15 — «Учишга рухсат этинг». Бадиий фильм.

РАДИО

10 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

Биринчи программа. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15— «Табассум». 11.30 «Катюша» қўшиғи. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Аэрофлот ходимлари, Сизлар учун. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.25 — Музикали салом. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Дўстларимиз қўшиқлари. 19.25 — «Ёшдик». 21.00 — «Янги турмуш — янги анъаналар». 21.10 — «Табассум». 22.30 — Радиопостановкалардан қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. 11067. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 34. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12